

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУРТАЗАЕВ САИДМУРОДХОН САИДИАЛОЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА МАНСУБ ШАХСЛАРНИНГ ЮЗ-ЖАҒ**  
**СОҲАСИНИ АНТРОПОМЕТРИК ВА РЕНТГЕНОЦЕФАЛОМЕТРИК**  
**КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ КЛИНИКАДА ҚЎЛЛАШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич**

Ўзбек популяциясига мансуб шахсларнинг юз-жағ соҳасини  
антропометрик ва рентгеноцефалометрик кўрсаткичлари ва уларни  
клиникада қўллаш ..... 3

**Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич**

Антропометрические и рентгеноцефалометрические показатели  
челюстно-лицевой области у представителей узбекской популяции и их  
клиническое применение ..... 27

**Murtazaev Saidmurodkhon Saidialoevich**

Anthropometric and cephalometric indicators of the maxillofacial region in  
representatives of the Uzbek population and their clinical  
application..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУРТАЗАЕВ САИДМУРОДХОН САИДИАЛОЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА МАНСУБ ШАХСЛАРНИНГ ЮЗ-ЖАҒ**  
**СОҲАСИНИ АНТРОПОМЕТРИК ВА РЕНТГЕНОЦЕФАЛОМЕТРИК**  
**КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ КЛИНИКАДА ҚЎЛЛАШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib139 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифада [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Дусмухамедов Махмуджан Закирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Pang Jun Young (Жанубий Корея)**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Супиев Турган Курбанович**  
академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Боймурадов Шухрат Абдужалилович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Шимолий Каролина Университети (Америка Қўшма Штатлари)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)-150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)-150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ва РФ ФА  
академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.Д.Суннатов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Х.П.Камилов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда амалий тиббиётда замонавий ташхислаш ҳамда юз-жағ атрофи туғма аномалиялари ва деформацияларини даволаш усулларининг татбиқ этилишига қарамасдан, бу бузилишлар беморнинг нафақат хулқ-атвори, ташқи кўриниши гўзаллиги, балки асаб-руҳий, овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг келиб чиқишига ҳам олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, юз-жағ аномалиялари АҚШда 65,0% ҳолатда, Европа мамлакатларида 59,4%, Россияда 30,9–76,5%, Ўзбекистонда эса 62,0% ташкил қилади<sup>1</sup>. Юз-жағ аномалияларини ташхислаш ва даволаш ишларини такомиллаштириш, аҳолининг турли хил этник гуруҳлари антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичларини ўрганиш замонавий стоматологиянинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Тиббиёт амалиётида юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган аномалияларини эрта ташхислаш ва даволаш усулларининг татбиқ қилиниши аҳолининг турли қатламлари орасида юз соҳаси ташқи кўринишини яхшиланишига, нафас олиш, ҳазм қилиш органлари ва асаб-руҳий тизими касалликларини камайишига олиб келди. Клиник амалиётда кенг қамровли дастурий тадбирларни татбиқ қилиш юз-жағ соҳаси аномалияларини эрта аниқлаш, ташхислашда замонавий усулларни қўллаш натижасида касаллик асоратлари 34% дан 7% гача камайганлиги аниқланди. Бугунги кунда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган деформацияларини ташхислашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Жаҳонда юз-жағ соҳасидаги туғма ва орттирилган аномалия ва деформацияларни клиник ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, туғма ва орттирилган юз-жағ деформацияларини клиник ташхислаш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш ва исботлаш; юз-жағ аномалияси ва деформацияларининг туғма нуқсонлари оқибатида келиб чиқадиган ўзгаришларнинг ривожланиш механизмини асослаш; туғма ва орттирилган юз-жағ аномалия ва деформацияларини ташхислаш ва даволаш мезонларини ишлаб чиқиш; турли этник гуруҳлар юз-жағ соҳасининг антропометрик ва цефалометрик меъёрий

---

<sup>1</sup>ЖССТ нинг маълумотлари, 2013

<sup>2</sup>2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; юз-жағ соҳаси аномалия ва деформацияларини ташхислаш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш; юз-жағ соҳасининг иккиламчи деформацияси мавжуд беморларни даволаш стандартларини танлаш, асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини тадбиқ этишга қаратилган мавзуларда илмий изланишларини янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Турли этник гуруҳлар вакилларига мансуб шахсларнинг юз-жағ соҳасини антропометрик рентгеноцефалометрик кўрсаткичлари ва уларни амалиётда қўллашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Kyushu University (Япония), Jacksonville University, Florida, The University of Michigan (АҚШ), Chonnam National University (Жанубий Корея), Universidade de São Paulo (Бразилия), Kirikkale University (Туркия), Rostock University (Германия), The University of Florence (Италия), University of London (Буюк Британия), University of Geneva (Швейцария), Cairo University (Миср), Марказий стоматология илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси) ва Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Турли этник гуруҳ вакиллари юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган деформацияларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: корейс ва мўғил халқлари юз-жағ соҳасининг цефалометрик кўрсаткичлари ўрганилганда уларнинг орасида ишончли тафовутлар борлиги исботланган (Yonsey University, Корея); анъанавий биометрик усуллар асосида ҳисобланган тиш ўлчамлари, тиш қаторларининг

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.kyushu-u.ac.jp](http://www.kyushu-u.ac.jp), [www.ju.edu](http://www.ju.edu), [www.umich.edu](http://www.umich.edu), [global.jnu.ac.kr](http://global.jnu.ac.kr), [www5.usp.br](http://www5.usp.br), [kku.edu.tr](http://kku.edu.tr), [www.uni-rostock.de](http://www.uni-rostock.de), [www.unifi.it](http://www.unifi.it), [www.london.ac.uk](http://www.london.ac.uk), [www.unige.ch](http://www.unige.ch), [cu.edu.eg](http://cu.edu.eg), [www.msmsu.ru](http://www.msmsu.ru), <http://www.tsd.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

параметрлари ва жағлар апикал базисининг антропометрик меъёрий кўрсаткичларини аниқлашда муҳим илмий натижалар исботланган (Sains Malaysiana University, Малайзия); тиш қаторлари параметрлари тиш ёйларининг тўғри ўлчамларини башоратлаш учун Понт индексларининг Мексика аҳолисининг тиш ёйлари ўлчамига мос келмаслиги исботланган (National University of Mexico, Мексика); япон миллатига хос намуналари оврўпаликларнинг меъёрий даражалари билан солиштирилганда мос келмаслигининг статистик тафовутлари исботланган (Kyushu University, Япония); (University of Washigton, АҚШ); немислар ишлаб чиққан цефалометрик стандартлари ёш ва жинс бўйича тафовутга эга эканлиги исботланган (Rostock University, Германия); ўзбек миллатига мансуб аҳолининг антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва клиник амалиётда юз-жағ соҳасининг туғма ва орттирилган аномалия ва деформацияларини даволаш тизими такомиллаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон).

Дунёда турли этник гуруҳ вакилларининг юз-жағ соҳаси аномалияларини даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, юз-жағ аномалияларини олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш; юз-жағ аномалияларини даволашда замонавий ортодонтик усулларини тадбиқ этиш; жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга қаратилган мақбул даволаш усулларини ишлаб чиқиш; юз-жағ соҳасининг аномалияларни комплекс даволаш усулларини асослаш; юз-жағ аномалияларини даволашда биотехнологиялардан фойдаланиш, юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини даволашда замонавий компьютер технологиялари усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юз-жағ соҳасининг деформацияси мавжуд беморларни даволашга комплекс ёндошуви, яъни ортодонтик ва жарроҳлик даволаш босқичларини олиб боришни талаб қилиши қатор хорижий олимларнинг ишларида акс эттирилган. Бугунги кунда жарроҳлик техникасининг мунтазам такомиллашувига қарамасдан, ҳанузгача касалликнинг асоратлари 6–35% гача кузатилмоқда (Stoelinga P.J., 2001; Аль-Эрегат М., 2003; Бржезовская Е.Ю., 2003; Овчинникова Н.В., 2003; Зубрилин Е.В., 2004; Сенюк А.Н., 2004; Arnett G.W., McLaughlin R.P., 2004; Иванова С.Е., 2005). Кўп сонли тадқиқот натижалари юз-жағ соҳаси деформацияларини жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин беморларни ортодонтик усулда даволаш зарурлигидан далолат беради (Stoelinga P.J., 2001; Овчинникова Н.В., 2003; Бржезовская Е.Ю., 2003; Зубрилин Е.В., 2004; Сенюк А.Н., 2004; Arnett G.W., McLaughlin R.P., 2004; Михайлова Е. В., 2005). Юз-жағ соҳасида ортогнатик жарроҳлик операциялари учун беморларни операциядан олдин ортодонтик тайёрлаш ва операциядан кейин ортодонтик даволашга қаратилган қатор муаммолар ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса кўпроқ комплекс ортодонтик даволаш орқали жарроҳлик амалиётини амалга ошириш масалаларини ечишга қаратилган.

Аҳолига сифатли ихтисослаштирилган ўз вақтида стоматологик ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш соҳасининг зарурий ва долзарб йўналиши ҳисобланади. Ортодонтик аномалияларнинг кенг тарқалганлиги, уларни юз скелетининг шаклига, чайнаш, ҳазм қилиш ва нафас олиш тизими фаолиятига, шунингдек юз шакли беморнинг эстетик ва психологик ҳолатига салбий таъсири юз-жағ тизими аномалияларини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Жағ соҳаси деформацияга учраган беморларни комплекс даволашда янги ва амалдаги такомиллаштирилган ташхис, режалаштириш ва башоратлаш усуллариининг пайдо бўлиши замонавий техника ва аппаратдан фойдаланиш натижасида юз-жағ тизимини ортодонтик даволаш орқали беморларни жарроҳлик амалиётига тайёрлашда соҳага оид усулларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, жарроҳлик амалиётдан кейин беморларни иммобилизация қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш учун жарроҳлик амалиётдан кейинги ортодонтик даволашни ўтказиш касалликнинг асоратларини олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Режалаштирилган тадқиқот иши ташхислаш-даволаш стандартларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга тадбиқ этишга бағишланади. Бугунги кунда юз-жағ соҳасида антропометрик ва цефалометрик тадқиқот усуллариини қўллаш орқали юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини эрта ташхислаш ва олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш тизими яратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг 011400196-сон «Ташқи муҳит омилларнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда асосий стоматологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллариини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2014-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** меъёрий тишловга эга ўзбек миллатига мансуб аҳолининг антропометрик ва рентгеноцефалометрик кўрсаткичларини инobatга олган ҳолда юз-жағ соҳаси аномалияларини даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жағ деформацияси мавжуд бўлган беморларни ортодонтик-жарроҳлик даволашни режалаштириш услубларини ўрганиш;

меъёрий тишловга эга ўзбекларга мансуб аҳолида этник хусусиятларни инobatга олган ҳолда тишларнинг мезиодистал ўлчамларини аниқлаш;

меъёрий тишловга эга ўзбек популяциясига мансуб аҳоли тиш қаторларининг шакли ва биометрик ўлчамларини аниқлаш;

меъёрий тишловга эга ўзбек миллатига мансуб эркак ва аёлларда цефалометрик кўрсаткичларни ўртача қийматини аниқлаш;

профил цефалограммада тиш қаторлари шакллланган ва меъёрий тишловга эга ўзбек популяциясига мансуб шахсларда юз скелети тузилишининг этник хусусиятларини аниқлаш;

меъёрий тишловга эга ўзбек популяциясига мансуб аҳоли бош ва юзининг фотометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

меъёрий тишловга эга ўзбек популяциясига мансуб аҳолида турли цефалометрик кўрсаткичларнинг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

антропометрик ва цефалометрик тадқиқот натижаларини клиник амалиётда қўллаш самардорлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли таълим муассасалари ва Тошкент шаҳридаги ОЎЮларида таълим олаётган 17 дан 25 ёшгача бўлган 3552 нафар ўқувчи ва талабалар олинган, улардан ўзбек миллатига мансуб меъёрий тишловга эга бўлган 96 нафар (49 нафар аёллар ва 47 нафар эркек), шунингдек 15 дан 29 ёшгача бўлган 55 нафар юз-жағ соҳасининг сагиттал йўналишидаги иккиламчи деформациясига эга беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** жағнинг гипсли моделлари, цефалограммалар, фотосуратлар, цефалометрик кўрсаткичлар, антропометрик ва фотометрик кўрсаткичлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларни амалга оширишда клиник, цефалометрик, антропометрик, бош ва юзнинг фотометрик кўрсаткичлари ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меъёрий тишловга эга этник ўзбекларда илк бора биометрик параметрлари (тишларнинг мезиодистал ўлчами, тиш ёйининг кенглиги, олдинги қисмининг узунлиги)нинг, тиш ва тиш қаторлари шаклининг ўзига хос тузилиши исботланган;

меъёрий тишловга эга ва тиш қаторлари шаклланган аҳолининг цефалограммаларига асосланиб, юз скелети тузилиш хусусиятларининг фазовий ориентацияси, жағлараро, тиш-жағ ва тишлараро ўзаро корреляцион боғлиқлиги исботланган;

юз соҳаси юмшоқ тўқималарининг ён рентгеноцефалометрик тавсифи ҳамда юз скелетига мутаносиблиги асосланган;

меъёрий тишловга эга ўзбек миллатига мансуб эркек ва аёлларда ўртача чизиқли цефалометрик кўрсаткичлар ўртасида тафовут мавжудлиги исботланган;

меъёрий тишловга эга ўзбек миллатига мансуб шахсларнинг юз ва бош скелетининг клиник-антропометрик кўрсаткичлари исботланган;

юз-жағ соҳасининг туғма ва ортирилган деформацияларини ортодонтик-жарроҳлик даволаш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меъёрий тишловга эга бўлган этник ўзбекларда тиш ва тиш қаторлари шакли, ўлчамлари, юз ва тиш қаторлари ташхисий антропометрик индексларининг биометрик кўрсаткичлари аниқланган;

меъёрий тишловга эга бўлган ўзбек миллатига мансуб аҳоли юз скелетининг рентгеноцефалометрик стандартлари, фазовий ориентацияси, шунингдек, жағлараро, юз-жағ соҳаси ва тишлараро ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

меъерий тишловга эга ўзбек миллатига мансуб эркак ва аёлларга хос бўлган ўртача цефалометрик катталикларнинг статистик ишончилиги аниқланган;

юз-жағ соҳаси аномалияси ва деформацияларини ташхислаш ва даволаш учун ишлаб чиқилган юз-жағ соҳасининг антропометрик ва рентгеноцефалометрик кўрсаткичларини қўллаш тизими ишлаб чиқилган;

олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши, туғма ва орттирилган юз-жағ соҳаси аномалияси ва деформацияларини ташхислашни такомиллаштириш, даволашни оптималлаштириш ва асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтиришга ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган антропометрик, цефалометрик, фотометрик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида олиб борилганлиги, юз-жағ соҳасининг антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичларини ташхислаш ва башоратлаш, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда турли усулларни қўлланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, меъерий тишлов хусусиятига эга ва тиш қаторлари тўғри шаклланган ўзбек миллатига мансуб аҳолининг цефалограммасини таҳлили илмий асосланган; антропометрик, цефалометрик кўрсаткичлари бурчак ва чизиқли ўлчамларининг ўртача қиймати, эркак ва аёлларга хос бўлган чизиқли қийматлари аниқланган. Бу кўрсаткичлар юз-жағ соҳасида нуқсонлар мавжуд бўлган беморларни даволашда антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичларнинг меъерий параметрларини ишлаб чиқиш учун асосий мезон бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, этник ўзбеклар юз скелети, айниқса унинг гнатик қисми учун меъерий кўрсаткичларни ишлаб чиқишга асос бўлди. Беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган комплекс даволаш механизминини аниқлаш, жағ деформациясини комбинациялашган ортодонтик-жарроҳлик амалиётини замонавий компьютер усулларида фойдаланган ҳолда режалаштириш самарадорлигини ошириш, даволаш муддатини камайтириш касалликнинг асоратларини камайтирди. Беморларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишда жағ соҳасининг деформацияси мавжуд бўлган беморларнинг даволаш муддатини қисқартиришга қаратилган ижобий натижалар олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юз-жағ соҳасидаги туғма ва орттирилган деформацияларни клиник ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбек популяциясига мансуб шахсларнинг тиш ва тиш қаторларининг биометрик тавсифи» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 13 декабрдаги 8н-д/78-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек миллатига мансуб шахсларнинг антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичларини баҳолаш меъёрий даражаларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Ўзбек миллатининг юз-жағ соҳасидаги биометрик ва цефалометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган такдиф ва тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ҳамда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 7 ноябрдаги 8н-з/31-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши юз-жағ тизими деформацияси ва аномалияларини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириб, беморларни шифохонада бўлиш вақтини 12–15% қисқартириш, касаллик асоратларини 27%га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тишжағ-юз тизимининг этник хусусиятлари ва уларнинг ташхисий аҳамияти (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда юз-жағ соҳасининг аномалиялари ва деформацияларини ташхислаш, башоратлашнинг камчилликлари ва

афзалликлари баён этилган. Адабиётлар шарҳи тўлиқ келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Текширилувчиларни танлаш мезонлари ва юз-жағ соҳасини текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар, текшириш усуллари ва қўлланилган клиник-лаборатор, функционал, рентгенологик усулларнинг умумий тавсифи келтирилган. Тошкент шаҳридаги турли олий ўқув юртларидан жами 3552 нафар талаба текширилган ҳамда меъёрий даражадаги тишловга эга бўлган 96 та этник ўзбеклар (49 нафар қиз болалар ва 47 нафар ўғил болалар) танлаб олинган.

Барча текширишга олинганлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ва истиқомат қилади, яъни бир хил геоиклимий шароитда ўсиб-улғайган. Барча ўлчовлар Росток (Германия) университетининг фототехник лабораториясида олиб борилган. Ўлчовлар гипсли моделларни 3D да сканерлаш ва махсус дастурий пакетлар ёрдамида компьютер таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилган.

Этник мансубликни аниқлаш сўров йўли билан амалга оширилган ва тўрт авлод вакилларининг генеалогияси аниқланган, яъни: 1) пробанд (текширилувчи индивид); 2) пробанднинг отаси ва онаси; 3) ота ва она томондан бобо ва буви; 4) бобо ва бувининг ота-оналари. Текширишга пробанд ва аждодлари бир хил этник гуруҳга мансуб бўлганлари жалб қилинган.

Ўрганилаётган гуруҳга чайнаш самарадорлигини ҳисоблаш индекси - КПО (К-кариесли, П-пломбаланган, О-олиб ташланган тишлар сони, КПО-уларнинг битта одамдаги умумий сони) ни ҳисобга олган ҳолда юз-жағ тизими меъёрий даражадаги функцияга эга бўлган шахслар киритилган. Бунда битта жағда битта тиш бўлмаса ҳам текширувга киритилмади. Барча текширишга жалб қилинганларнинг амалдаги меъёр бўйича саломатлигида морфологик ва функционал чекинишлар бўлмаган ва клиник патологиялар йўқлиги билан характерланган. Ўрганилаётганларнинг ҳеч бирида илгари ортодонтик даволаш муолажалари ўтказилмаган. Текширилаётганлар ёши -17-25 ёшни ташкил қилди. Ижтимоий ҳолати бўйича барча текширилаётганлар Тошкент шаҳридаги ўқув юртларининг талабаларидир.

Бундан ташқари, жағда сагиттал йўналишдаги иккиламчи деформациялари ва аномалиялари бўлган 15-29 ёшдаги 55 нафар беморлар текширувдан ўтказилган.

Тадқиқот объекти сифатида ўзбек миллатига мансуб бўлган иккала жинс вакилларидан иборат кўнгиллиларнинг 261та цефалограммаси ҳамда юқориги ва пастки жағнинг 330 та гипсли моделлари олинган.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадратли оғиш ( $\sigma$ ), стандарт хатоликлар ( $m$ ), нисбий ўлчамлар (частота %) ҳисоблаб чиқарилишини ўз ичига олган статистик таҳлилнинг амалий дастурлари пакетидан фойдаланилган ҳолда статистик ишланган.  $P < 0,05$  аниқлик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясига мансуб шахсларнинг юз-**

**жағ соҳасини цефалометрик таҳлил қилиш натижалари»** деб номланган учинчи бобида натижаларни тизимга солиш учун текширишга олинган барча цефалометрик кўрсаткичлар қуйидаги қисмларга бўлинган: краниометрик; юқориги жағ скелетал; пастки жағ скелетал; жағлараро; вертикал-скелетал; юқориги жағ тиш-алвеоляр; пастки жағ тиш-алвеоляр; тишлараро муносабат; юмшоқ тўқимали.

**1. Краниометрик кўрсаткичлар.** Бу қисмда қуйидаги чизикли ўлчовлар амалга оширилди: S-N нуқталари орасидаги масофа (олдинги мия чуқурчаси узунлиги); S-Ba нуқталар орасидаги масофа; турк эгаридан пастки жағ бўғим бошчаси (S-Ar)нинг дистал чегарасигача бўлган масофа; Ba-N нуқталари орасидаги масофаларни аниқланган. Бунда олдинги мия чуқурчасининг узунлиги эркакларда –  $69,5 \pm 0,40$  мм, аёлларда –  $64,7 \pm 0,38$  мм ташкил қилган. S-B нуқталари орасидаги масофа эркакларда -  $46,7 \pm 0,44$  мм, аёлларда -  $43,6 \pm 0,35$  мм, турк эгари ва пастки жағ бўғим бошчаси (S-Ar)нинг дистал чегарасигача бўлган масофанинг ўртача қиймати эркаклар учун –  $37,8 \pm 0,51$  мм, аёллар учун –  $33,5 \pm 0,35$  мм, Ba-N нуқталари орасидаги масофа мос ҳолда  $106,2 \pm 0,58$  мм ва  $98,3 \pm 0,61$  мм тенг бўлган. Барча чизикли краниометрик параметрларда фарқларнинг юқори даражада ишончилиги аниқланди ( $P < 0,001$ ). Корреляцион таҳлил жағларнинг чизикли ўлчамлари олдинги мия чуқурчаси узунлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Ушбу боғлиқлик мусбат бўлиб, S-N масофаси қанчалик катта бўлса, шунга мувофиқ равишда жағ асослари ҳам катта бўлганлигини кўрсатди. Олдинги мия чуқурчаси чизикли ўлчами ҳамда юқори-пастки жағ асоси ўртасидаги фарқнинг аниқланиши яхши ташхисий кўрсаткич бўлиб хизмат қилишидан далолат беради.

**2. Юқори жағ скелетал кўрсаткичлари.** Юқори жағ учун олдинги юз бурчаги (SNA) краниал юза (SN) ва юз сатҳи юзасидан (NA) ҳосил бўлиб, бунда N суякли назал нуқтаси, A эса юқориги жағ апикал базисининг олдинги чети (spinanasalis anterior дан биров чуқурроқ жойлашган нуқта) га мос бўлади. Юз бурчаги юқори жағнинг ва бутун тиш-жағ мажмуининг калла суяги асосига нисбатан сагиттал чизик бўйлаб, яъни олдинги–орқа йўналишларда жойлашишидан далолат беради ва ҳозирги вақтда кўпгина цефалометрик таҳлилларда кенг қўлланилади. Юқориги жағ учун SNA олдинги юз бурчагининг ўртача намунавий кўрсаткичлари эркакларда  $82,9 \pm 0,53^\circ$ , аёлларда  $82,1 \pm 0,44^\circ$  тенг бўлганлигини кўрсатди, лекин тафовут аниқланмади. Сезиларли даражадаги фарқ аниқланмаганлиги учун, текширилувчилар учун ўртача қиймат  $82,5 \pm 0,35^\circ$  қўллаш мумкин.

Nasionperpendicular, SNA ва NArGo бурчаклари ўртасида ишончли манфий боғланиш борлигини аниқланди. Берилган бурчакларнинг ўзаро боғлиқлиги шу билан изоҳланадики, N-A чизик NArGo, учун ҳам, SNA учун ҳам умумий ҳисобланади. SNA бурчаги ўзгаришининг иккинчи ва асосий сабаби, юз скелети гнатик бўлимининг калла суяги асосига нисбатан айланиши ҳисобланади. Бунга SNA, Nasionperpendicularнинг SN/PP SN/MP NSGn бурчакларига нисбатан тескари корреляцияси ва ArGoMe бурчагини пастки жағ бурчаги билан боғлиқлигининг йўқлиги далил бўлади. SNA,

Nasion perpendicularning SN-Pog bilan musbat, SN-PP bilan manfiy aloqasining borligi SN-PP kattaligining ўzgarishi sabablari haqidagi ikkinchi fikrni tasdiqlaydi. Chizikli ўlчовлар Effective maxilla length (Co-A) va sna-snr kўrsatkichlarida ishonchli farqlar mavjudligini kўrsatib, эракаларда  $90,1 \pm 0,54$  мм,  $51,9 \pm 0,52$  мм, аёлларда мос ҳолда  $82,8 \pm 0,50$  мм,  $47,8 \pm 0,44$  мм ( $P < 0,001$ ) ташкил қилди.

**3. Пастки жағ скелетал кўрсаткичлари.** Пастки жағ учун юз бурчаги (SNB) пастки жағ олдинги апикал асосини мия асосига нисбатан мезиодистал ҳолати билан характерланади. Бу кўрсаткич эракаларда  $80,3 \pm 3,6^\circ$ , аёлларда  $79,6 \pm 3,1^\circ$  ташкил қилди. Олинган натижалар иккала жинс орасида сезиларли фарқ бўлмаганлиги учун  $79,21 \pm 2,82^\circ$  дан меъёр сифатида фойдаланса бўлади. Пастки жағ танасининг узунлигида (Go-Me) бошқа чизikli ўлчовлар каби жинслар орасида фарқ кузатилди, бу кўрсаткич эракаларда  $80,3 \pm 0,53$  мм, аёлларда  $79,6 \pm 0,44$  мм ташкил қилди.

**4. Жағлараро муносабат кўрсаткичлари.** Юқори ва пастки жағлар апикал асослари орасида олдинги-орқа ҳолатдаги ўзаро муносабатига нисбатан nasion нуқтаси ANB бурчагини ҳосил қилади ва унда A нуқтаси B нуқтадан олдинда жойлашса, ижобий ҳисобланади. Базал бурчакда A ва B нуқталар тескари муносабатда бўлса, «манфиy» белгиси билан олинади. Агар N, A, B нуқталар бир текисликда бўлса, базал бурчак нолга тенг бўлади. Бундай ҳолатда ҳақиқий тўғри профил билан иш юритамиз. ANB бурчак қийматини аниқлашнинг иккинчи усули SNA-SNB=ANB. Юз скелетининг бўртиқлик даражасига қараб базал бурчаклар бир-биридан фарқ қилади ёки тенг бўлади.

Вертикал муаммоларни гониал бурчак, мандибуляр сатҳ бурчаги, юз узунлигининг олдинги ва орқа муносабати орқали аниқланади. Аномалияларни даволашда жағларнинг ўзаро сагиттал муносабатини ифодаловчи APDI кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Бунда учта бурчак йиғиндиси ҳисобланади: 1-юз бурчаги (FH-NPog), 2-NPog билан A-B сатҳи орасидаги бурчак, 3-палатинал сатҳ (PP) ва франкфурт горизонтали (FH) орасида ҳосил бўлган бурчак. APDIнинг ўртача қиймати тадқиқотда иккала жинсда  $81,4 \pm 3,79^\circ$  бўлди. Олинган натижаларда дистал окклюдия ёки II синфга, кўп қисмида эса мезиал окклюдия, яъни III синфга мойиллиги аниқланди. Бу ўлчов давони режалаштиришда қиёсий ташхис ўтказишга ёрдам беради.

**5. Вертикал скелетал кўрсаткичлари.** Калла скелети асоси юзасидан ўтган гнатик қисм нишаблари асосий кўрсаткичи SN-PP, SN-OccP, SN-MP бурчаклари ҳисобланади. 1-жадвалда SN-OccP бурчак кўрсаткичлари жинслар орасидаги фарқ ишончсиз эканлигини кўрсатди. Бу барча гуруҳларда умумий кўрсаткич деб, қабул қилишга имкон беради. SN-OccP бурчаги ўртача кўрсаткичи  $14,8 \pm 0,36^\circ$  ташкил қилди. SN-MP бурчаклари ўртача типик қийматларда: эракаларда аёлларга нисбатан ишончли пасайиш аниқланди, эракаларда  $27,6 \pm 0,88^\circ$ , аёлларда  $30,3 \pm 0,73^\circ$  бўлди. Bjork бўйича бурчаклар (SNA<sub>g</sub>+ArGoMe+SArGo) йиғиндиси орасидаги фарқ кўрсаткичини эракалар ва аёлларда аниқлаб бўлмади, шунинг учун ўртача қиймат сифатида

текширилувчилар учун умумий бўлган ўртача рақамни қабул қилиш мумкин -  $389,0 \pm 0,59^{\circ}$ . Пастки жағ асосини горизонтал сатҳ FH-MP га оғиш бурчагини текшириш, эркакларда аёлларга нисбатан таққосланганда ишончли пасайиши аниқланди, яъни эркакларда  $24,6 \pm 0,77^{\circ}$ , аёлларда мос равишда  $27,1 \pm 0,67^{\circ}$  ташкил қилди. SN-PP ва SN-MP OccP-SN FH-MP FH-OccP бурчаклар орасида ишончли мусбат корреляция борлигини таъкидлаш лозим.

1-жадвал

Ўзбек популяциясига мансуб инсонларда жағлараро вертикал текшириш натижалари,  $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Эркаклар	Аёллар	Ўртача миқдор	P
SN - PP	$8,0 \pm 0,55$	$8,6 \pm 0,41$	$8,3 \pm 0,34$	$>0,05$
SN - MP	$27,6 \pm 0,88$	$30,3 \pm 0,73$	$29,0 \pm 0,59$	$<0,05$
MP – PP	$19,7 \pm 0,84$	$21,8 \pm 0,68$	$20,8 \pm 0,55$	$>0,05$
ArGoMe	$117,0 \pm 1,02$	$118,5 \pm 0,79$	$117,8 \pm 0,64$	$>0,05$
NSGn	$67,1 \pm 0,59$	$67,5 \pm 0,44$	$67,3 \pm 0,37$	$>0,05$
FH Occl	$9,0 \pm 0,50$	$10,2 \pm 0,46$	$9,6 \pm 0,34$	$>0,05$
FMPA	$22,3 \pm 0,84$	$25,2 \pm 0,71$	$23,8 \pm 0,57$	$<0,01$
FHGoMe	$24,6 \pm 0,77$	$27,1 \pm 0,67$	$25,9 \pm 0,53$	$<0,05$
OccP-SN	$14,2 \pm 0,54$	$15,3 \pm 0,48$	$14,8 \pm 0,36$	$>0,05$
Sumenwinkel	$387,5 \pm 0,89$	$390,3 \pm 0,73$	$389,0 \pm 0,59$	$<0,05$

Корреляция кўрсаткичларини кўриб чиқиш юз скелети гнатик қисмининг айланма силжиши тўғрисидаги тахминни олдинги қисмларда исботганлиги шубҳага ўрин қолдирмайди. Вертикал бўйича жағлараро муносабат юқори (PP) ва пастки (MP) жағларнинг асослари кесишишидан ҳосил бўлган бурчак билан характерланади. 1-жадвалда унинг ўртача қийматлари эркаклар ва аёлларда олинган натижалар фарқ қилмаслиги кўринди. Шунинг учун умумий ўртача қиймат -  $20,8 \pm 0,55^{\circ}$  дан фойдаланиш мумкин.

**6. Юқори жағ тиш-алвеоляр кўрсаткичлари.** Марказий курак тишлар вертикал жойлашиш кўрсаткичлари бўлиб,  $OK1NA^{\circ}$  оғиш бурчаги ва марказий курак тишларнинг кесув юзасидан вертикал бурун юзаси  $OK1NA_{мм}$  ва  $OK1-FH$  мм гача бўлган масофаси хизмат қилади. Юқориги марказий курак тишларни горизонтал (франкфурт)  $OK1-FH$  бурчаги юқориги марказий курак тишларни горизонтал ҳолатда оғиш бурчагини ҳосил қилишига имкон беради. Тадқиқот натижалари жинслар ўртасида фарқлар ишончли эмаслигини, шунинг учун барча текширилувчилар учун умумий бўлган ўртача қийматдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди  $107,2 \pm 0,62^{\circ}$ . Юқори марказий курак тишлар калла скелети асоси юзасига нисбатан оғиш кўрсаткичи бўлиб,  $OK1-SN$  бурчаги ҳисобланади.  $OK1-SN$  бурчаклар орасидаги кўрсаткичда жинслараро фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди.

Барча гуруҳларда бу кўрсаткични умумий қилиб олишга имкон беради. ОК1-SN бурчагининг ўртача қиймати  $102,0 \pm 0,64^\circ$  ташкил қилади.

**7. Пастки жағ тиш-алвеоляр кўрсаткичлари.** Пастки марказий курак тишларининг бўйламасидаги ёйсимон чизикдан ҳосил бўлган UK1-NB бурчак пастки марказий курак тишлар вертикал жойлашувининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади, UK1-NB мм кўрсаткичи эса пастки курак тишлар кесувчи қиррасидан вертикал бурун сатҳигача бўлган масофани ўз ичига олиб, эркакларда  $24,1 \pm 1,04^\circ$  ва  $4,6 \pm 0,37$  мм, аёлларда мос ҳолда  $25,8 \pm 0,83^\circ$  и  $4,9 \pm 0,29$  мм ни ташкил қилади. Пастки марказий курак тишларнинг фазода горизонтал жойлашиши пастки марказий кураклар оғиш бурчагининг UK1-FH горизонтал сатҳига боғлиқлигини белгилайди. Юқориги марказий кураклар сингари бу ерда ҳам олинган натижалар жинслар ўртасида статистик фарқ йўқлигини кўрсатди, шунинг учун барча текширилувчилар учун бир хил ўртача катталиқдан фойдаланиш мумкин -  $60,2 \pm 0,78^\circ$ .

UK1-FH бурчаги билан SN-PP бурчаги ва юқори жағ асосининг узунлиги (sna-snp) ўртасида паст корреляция кузатилди. UK1-NB ва UK1-MP бурчаклари ўртасида кучли ижобий боғлиқлик бир вақтга ва бир хил табиатга эга бўлган ўзгаришлар борлигидан далолат беради. UK1-MP ва UK1-FH бурчакларининг ўзгариши ҳар хил табиатга эга бўлиб, ушбу кўрсаткичлар ўртасида манфий корреляция борлигидан далолат беради. Улардан энг асосийси сифатида мандибуляр сатҳга (UK1MP) нисбатан пастки марказий куракларнинг бурчагини олиш мумкин, бунда UK1-MP бурчагининг ўртача кўрсаткичи  $96,1 \pm 0,72^\circ$  ташкил қилди.

SNB нинг UK1-MP га нисбатан манфий боғлиқлиги пастки жағ олдинги-орқа айланма ҳаракатидан далолат бериб, пастки марказий курак тишлар ушбу айланишларни компенсациялаб, стабил ҳолатда қолишни таъминлайди.

**8. Тишлараро кўрсаткичлар.** Сатҳларни кесиб ўтишдан ҳосил бўлувчи кураклараро бурчак (intericisial winkel), юқориги ва пастки марказий курак тишларнинг кўндаланг ёйлари орқали ўтади. Кураклараро бурчакнинг ўртача кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ эркаклар ва аёлларда ишончсизлигини кўрсатди. Цефалометрик таҳлил учун умумий бўлган ўртача катталиқ  $133,92 \pm 0,99^\circ$  фойдаланиш мумкин.

Кураклараро бурчакнинг ОК1/NA, UK1/NB, ОК1/FH бурчаклари билан манфий, UK1/FH бурчаги билан мусбат корреляциянинг мавжудлиги кураклараро бурчакнинг катталиги юқориги марказий куракларнинг тик, кичиклиги эса қия ҳолатда жойлашишидан далолат беради.

Пастки марказий курак тишларнинг тик ҳолатда жойлашиши пастки жағ сатҳига нисбатан унинг оғиш бурчагини камайтиради, яъни оғишнинг ўзини катталашшига олиб келади. Жағлараро PP/MP бурчаги сезиларсиз даражада пасаяди.

кураклараро ва ANB бурчаклари орасида ўртача боғлиқлик борлигини айтиш ўринли.

Кураклараро бурчаклардан ташқари, марказий курак тишларнинг муносабатини ўрганишда курак тишларнинг қопланиш чуқурлиги (overbite) ва сагиттал кураклараро масофа (overjet) кўриб чиқилди.

**9. Юмшоқ тўқималар кўрсаткичлари.** Биз томондан юз юмшоқ тўқималари тузилиш профилининг хусусиятлари кенглиги, тури ва жинсларни инобатга олган ҳолда ўрганилди.

OL prot юқори лаб протрузияси (sn-pog') га нисбатан жинслар бўйича ишончли фарқни кўрсатди. Эркакларда ушбу кўрсаткич  $4,5 \pm 0,3$  мм, аёлларда  $3,5 \pm 0,25$  мм ( $P < 0,05$ ) ни ташкил қилди. Кутилганидек, OL-E кўрсаткичи OL-prot билан кучли ижобий корреляцион боғлиқликка эгаллигини кўрсатди, чунки бу икки параметр табиати бўйича бир бирига ўхшашдир. Пастки лаблар параметрларининг UL-E, Ulprot билан кучли мусбат ва аксинча Z Anle, Total Chin, UppL, Soft tis Pog., Ol-Emm UL-Emm Ulprot билан ўртача боғлиқлик мавжудлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Пастки лаб супраментал бурмаларининг чуқурлиги юмшоқ тўқимали профилдаги бошқа кўрсаткичлардан фарқли равишда эркак ва аёллар ўртасида ишончли фарқга эга бўлди ва мос ҳолда  $5,9 \pm 0,14$  мм ва  $4,9 \pm 0,16$  мм ни ташкил қилди.

Tweed бўйича Total Chin кўрсаткичи Pog юмшоқ тўқимали нуқтасидан перпендикуляр бўйлаб ҳосил бўлган NB нуқтасигача масофани белгилайди. Ушбу кўрсаткични ўрганиш эркак ва аёллар ўртасида ишончли фарқ мавжудлиги кўрсатиб, мос равишда  $15,6 \pm 0,38$  мм и  $13,9 \pm 0,24$  мм ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, юз скелети ва юз юмшоқ тўқималари чизиқли ўлчамларининг абсолют кўрсаткичлари жинслар орасида ишончли тафовут борлигини кўрсатди. Биз текширган гуруҳ вакиллари тўғри профилга эга бўлиб, ияги пастда ва орқароқ жойлашган, пастки курак тишлари пастки жағ сатҳига нисбатан сезиларли даражада катта вестибуляр оғишга эга.

Диссертациянинг «**Меъёрий тишловга эга бўлган ўзбек популяцияси вакилларида юз-жағ соҳаси антропометрик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ўзбек популяцияси вакиллариининг тиш қаторлари тузилиши ва шакли европоид ва монголоид ирқи вакиллари натижалари (О.Д. Байдик, 2005) билан таққосланган. Эркаклар курак тишлари катта бўлишига қарамасдан, эркаклар ва аёллар тишларининг мезиодистал ўлчовларида статистик фарқ аниқланмади. Тиш қаторлари ёйлари кенглиги ўрганилганда, эркак ва аёлларда биринчи премоляр ва биринчи моляр соҳасида сезиларли фарқ аниқланди. Эркакларда аёллардан фарқли равишда, биринчи премоляр ва биринчи моляр соҳада юқори ва пастки тиш қаторларининг кенглиги аниқланди ( $P < 0,001$ ) (2-жадвал).

Эркакларда тиш қаторлари ёйлари кенглиги ҳисобига эркаклар ва аёллар текширилган индексда фарқ юзага келди ( $P < 0,001$ ). Олинган натижалардан шундай хулосага келдикки, тиш-жағ деформацияларини ташхислаш ва даволашни режалаштиришда жинслар ўртасидаги фарқни инобатга олиш лозим. Тадқиқот натижасида олинган индексларни Понн индекслари билан солиштириш аёллар ва эркакларда моляр индексда қисман номуносивлик ва премоляр индексда кескин фарқ борлиги аниқланди (2-жадвал).

Ўзбек популяциясига мансуб инсонлар тишлари ва тиш қаторларини (мм)  
антропометрик параметрлари,  $M \pm m$ 

Параметр	Эркаклар, n=47	Аёллар, n=49
Юқориги ўнг ён курак тиш	6,84±0,07	6,84±0,06
Юқориги ўнг марказий курак тиш	8,39±0,06	8,24±0,07
Юқориги чап марказий курак тиш	8,41±0,06	8,26±0,07
Юқориги чап ён курак тиш	6,73±0,08	6,73±0,06
Биринчи премолярлар орасидаги масофа	38,77±0,27	36,82±0,24*
Биринчи молярлар орасидаги масофа	51,69±0,35	48,96±0,32*
Премоляр Пон индекси	78,4±0,54	81,75±0,50*
Моляр Пон индекси	58,8±0,48	61,49±0,42*

Изоҳ: \* –  $P < 0,001$  эркаклар кўрсаткичлари билан таққосланган.

Болтон бўйича эркаклар ва аёлларда тиш қаторларининг олдинги ва умумий муносабати жуда ўхшаш бўлиб, сезиларли фарқ аниқланмади. Шундай қилиб, ўзбек популяцияси вакиллари учун меъёр сифатида олдинги муносабат  $77,44 \pm 2,64$ , умумий муносабат  $91,48 \pm 2,03$ , деб қабул қилинди. Тиш ёйлари ўртача кўрсаткичлари америкалик оқ танлилар ва ўзбек популяцияси вакиллари билан бир хил бўлиб, Болтон бўйича иккала этник гуруҳда ҳам умумлаштирилган таҳлилни қўллаш мумкинлигини кўрсатди. Визуал-клиник текширувларда тишларни баҳолашда ўзбекларда худди европеоидлардагидек қийшиқ овал шаклдаги (93,0%), монголоидларда қийшиқ (53,85%) ва кесилган овал шаклидаги (46,15%) юқориги тиш ёйи учраши аниқланди.

Ўзбекларда пастки тиш қатори шакли 100% ҳолатда параболик шаклга эга эканлиги аниқланди.

3-жадвалда турли этник гуруҳга мансуб аҳоли вакиллари доимий тишларининг мезиодистал ўлчамлари берилган. Ўзбекларнинг ўнг ва чап тишлари мезиодистал диаметрларини солиштириш жиддий фарқ йўқлигини кўрсатди. Ўзбекларнинг ўртача тиш ўлчамларини монголоид ва европеоидлар билан солиштириш монголоидларга нисбатан пастки биринчи молярлардан ташқари ( $P > 0,05$ ) барча тиш гуруҳларида юқори даражада ишончли фарқ аниқланди ( $P < 0,001$ ). Европеоидларга нисбатан ўнг томондаги тишлар мезиодистал ўлчамларида нисбатан кам фарқ топилди. Бунда катта тафовут юқори жағнинг иккинчи молярлари ҳамда пастки жағнинг марказий курак тишларида аниқланди ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, эркак ва аёлларнинг мезиодистал тиш ўлчамларида статистик тафовут аниқланмади. Эркакларда биринчи премолярлар ва биринчи молярлар сатҳида юқориги ва пастки тиш қаторларининг ишончли даражада кенгрок эканлиги аниқланди. Ўзбекларнинг ўртача тиш ўлчамлари барча гуруҳ тишларида монголоидларга нисбатан юқори даражада фарқга эга эканлигини кўрсатди.

## Турли этник гуруҳга мансуб инсонлар доимий тишларининг мезиодистал ўлчамлари, мм, (M±m)


Тишлар	Монголоидлар, n=79		Европеоидлар, n=40		Ўзбеклар, n=96		
	ўнг	чап	ўнг	чап	ўнг	чап	
Юқорити	Марказий курак	8,74±0,06***	8,76±0,07***	8,44±0,12	8,38±0,1**	8,31±0,05	8,33±0,04
	Ён курак тишлар	7,1±0,07***	7,07±0,07***	6,49±0,11**	6,56±0,12***	6,84±0,05	6,73±0,05
	Қозик тишлар	8,1±0,05***	8,05±0,06***	7,68±0,1	7,75±0,11*	7,62±0,04	7,61±0,04
	Биринчи премоляр	7,37±0,06***	7,35±0,06***	6,63±0,11	6,66±0,11***	6,75±0,03	6,74±0,03
	Иккинчи премоляр	6,84±0,06***	6,89±0,06***	6,57±0,11	6,58±0,07**	6,51±0,03	6,52±0,04
	Биринчи молярлар	10,78±0,08***	10,74±0,07***	10,23±0,1**	10,2±0,12***	9,94±0,05	10,12±0,04
	Иккинчи молярлар	10,25±0,08***	10,23±0,09***	9,58±0,11***	9,61±0,1***	9,01±0,07	9,22±0,06
	Марказий курак	5,55±0,05***	5,52±0,05***	5,41±0,06***	5,35±0,07***	5,17±0,03	5,16±0,03
	Ён курак тишлар	6,14±0,05***	6,15±0,05***	5,83±0,08	5,84±0,07	5,79±0,03	5,72±0,03
Пастки	Қозик тишлар	7,01±0,06***	7,04±0,06***	6,57±0,08	6,63±0,11***	6,69±0,03	6,65±0,03
	Биринчи премоляр	7,2±0,06***	7,22±0,06***	6,87±0,1	6,84±0,1**	6,77±0,03	6,78±0,04
	Иккинчи премоляр	7,17±0,05*	7,21±0,05**	6,94±0,08	6,81±0,09***	6,97±0,06	7,01±0,04
	Биринчи молярлар	10,72±0,09	10,8±0,08	10,34±0,11***	10,35±0,11**	10,79±0,05	10,69±0,05
	Иккинчи молярлар	10,65±0,08***	10,66±0,08***	10,06±0,12	10,0±0,1**	10,21±0,06	10,14±0,06

Изоҳ: \* - ўзбек гуруҳи маълумотларида тафовут тасдиқланган (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)


Диссертациянинг «**Жағ сагиттал аномалияларига эга беморларни комплекс даволаш**» деб номланган бешинчи бобида жағ деформацияларига эга 55 нафар 15-29 ёшли беморларда айрим тишлар ҳолатини, тиш ёйлари шакллари ва ўлчамларини, тиш қаторларини бир-бирига тегиб туришини меъёрлаштириш учун 3 та: вертикал, трансверсал ва сагиттал текисликда тишлар ҳолати тузатилишини амалга ошириш имконини берадиган олинмайдиган ортодонтик техникадан фойдаланилди. Операциягача ва операциядан кейинги ортодонтик даволаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олган: нивелирлаш босқичи; вертикал ҳолатда ўрнатиш босқичи; тортиш босқичи; якуний босқич; ретенция босқичи: ретенцион олиб қўйиладиган аппаратлар, олиб қўйилмайдиган ретейнерлар ёрдамида амалга ошириш.

**Беморларни жарроҳлик олди ортодонтик даволаш ва суяк-реконструктив операцияга тайёрлаш.**

Операциядан олдинги ортодонтик даволаш босқичида 55 нафар бемор бўлиб, уларга қуйидаги операциядан олдинги ортодонтик даволаш тадбирлари қўлланилган: юқори ва пастки жағ тиш ёйлари шакллари ва ўлчамларини тузатиш; олд тишларнинг жағ асоси текислигига нисбатан ўқ бўйлаб қиялигини меъёрлаштириш; суяк-реконструктив операция жараёнида тишлар-антагонистларнинг зич фиссур-дўмбоқли алоқалари юзага келиши учун конструктив тишлов ва жағни керакли ҳолатга силжитиш учун шарт-шароитлар туғдириш; тил ҳолати ва талаффузини меъёрлаштириш; операция йўли билан даволашдан сўнг жағлараро иммобилизация учун аппаратларни лойиҳалаш ва тайёрлаш. Доимий тишловга эга бўлган беморларни танглай чокини кенгайтириш учун олинмайдиган ортодонтик техника, аппаратлардан фойдаланилди. Агар беморни юз баландлиги меъёрда ёки катталашган бўлса, дистал окклюзияда пастки кесув ва қозиқ тишлар соҳасида тиш-алвеоляр узунлашиш, курак тишлар протрузияси, тишларни олд қисмида тиш-алвеоляр ботинтириш амалга оширилди (1-расм). Курак тишлар дистал окклюзияси, ретрузиясида юқори ва пастки курак тишлар соҳасида тиш-алвеоляр узайиш аниқланди. Жарроҳлик олди ортодонтик тайёрлашда иккала жағларнинг курак тишларида тиш-алвеоляр қисқартириш 12-18 ой давомида амалга оширилди.



1-расм. Жарроҳлик олди ортодонтик даво: тиш қаторлари ёйининг олдинги бўлимига тиш-альвеоляр ботинтириш




